

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



29 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасининг Кенгаши таклиф этган кун тартиби тасдиқлангандан кейин депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди.

МОНОПОЛЧИЛАР САФИДАН ЧИҚАРИЛАДИ

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига кўра, табиий монополиялар субъектларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш рўйхатидан транспорт терминаллари хизматларини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда. Бу иштирокчилар сонининг кўпайиши

ҳисобига бозорнинг фаол ривожланиши, истеъмолчилар талабининг қондирилиши билан изоҳланади. Фаолиятнинг мазкур турини белгиланган талабларга мос келадиган муайян ҳудудга, жиҳозланган биноларга, ходимларга ва техник имкониятларга эга бўлган ҳамда тегишли божхона органидан лицензия олган ҳар қандай корхона амалга ошириши мумкин.

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ОСОНЛАШАДИ

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонунни муҳокама этдилар ва қабул қилдилар. Мазкур Шартнома фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш

учун Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига қулай шарт-шароит яратади. Шартноманинг мақсади суд ҳужжатларини топшириш, далиллар тўплаш, ҳуқуқий маълумотлар ва ишларни судда юритиш материалларини алмашишга доир суд тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда енгиллаштиришдан иборатдир.

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯГА ҚАРШИ

Депутатлар томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинган «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ноқонуний миграцияга қарши курашда ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги Битимга (Москва, 1998 йил 6 март) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Қонун ноқонуний миграция билан боғлиқ замо-

навий хавф-хатарларга қарши самаралироқ курашишга кўмаклашади. Битимда ноқонуний мигрантларни депортация қилиш, ахборот алмашиш ва кадрлар малакасини ошириш борасида ҳамкорлик қилиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Қабул қилинган қонунлар кейинги кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШДА БОЛА МАНФААТИ УСТУВОР БЎЛСИН!

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси болаларни фарзандликка олишга доир ишларни кўриб чиқишнинг суд тартиби белгилаб қўйилишини назарда тутди. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг такомиллашган тизими вужудга келтирилди. «Меҳрибонлик уйи» болалар муассасасига жойлаштирилган болалар учун давлат томонидан энг жиддий талабларга жавоб берадиган барча зарур шарт-шароит яратилган. Шу билан бирга, ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни оила тарбиясига, шу жумладан, фарзандликка бериш масаласига ҳам етарлича эътибор қаратилмоқда.

Таклиф этилаётган янгилик, биринчи навбатда, фарзандликка берилаётган болалар манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга

қаратилган. Қонун лойиҳасида фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг бола манфаатларини кўзлаган ҳолда, фарзандликка олувчининг шахси, ахлоқий фазилатлари, оилавий, ижтимоий ва иқтисодий аҳволи ҳолисона текширилишини таъминлайдиган қатъий процессуал тартиби белгилаб қўйилиши назарда тутилган. Унинг қабул қилиниши фарзандликка олиш институтини ривожлантириш имконини беради, бу эса ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг оилада муносиб тарбия олишини таъминлайди.

Депутатлар қонун лойиҳаси ушбу соҳадаги ҳам миллий, ҳам халқаро тажрибани ҳисобга олганлигини таъкидладилар.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашни масъул кўмитага топширдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ ҚАНДАЙ СОТИБ ОЛИНАДИ?

Президентнинг 30.01.2013 йилдаги ПҚ-1914-сон қарори билан Марказий банк ва тижорат банкларининг 2013 йил 1 февралдан жисмоний шахслар – Ўзбекистон резидентларига чет эл валютасининг ваколатли банклар томонидан нақд пулсиз шаклда халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда сотилиши механизми жорий этилиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинди, шунингдек 2013 йил 1 февралда кучга кирган чет эл валютасини харид қилиш ва жисмоний шахсларга сотиш ҳамда валюта айирбошлаш шохобчалари тўғрисида низом тасдиқланди.

Низомга кўра жисмоний шахсларга чет эл валютаси ваколатли банклар, уларнинг муассасалари ва филиаллари биноларидан нақд пулсиз шаклда халқаро тўлов карталаридан ва миллий валютадаги шахсий пластик банк карталаридан фойдаланган ҳолда сотилиши керак. Чет эл валютасини харид қилиш учун ваколатли банкнинг конверсион операциялар бўлимига қуйидагиларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилиш лозим:

жисмоний шахс – Ўзбекистон резиденти шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

халқаро тўлов картасига ўтказиладиган чет эл валютасини, унинг суммаси ва турини кўрсатган ҳолда, харид қилишга белгиланган шаклдаги буюртманома;

банк ҳисобварағида айирбошлаш операцияси учун етарли миллий валютадаги сумма мавжуд бўлган ҳолда шахсий пластик банк картаси. У мавжуд бўлмаганда конверсион операциялар бўлимининг масъул ходими мижозга шу банкнинг ўзида унинг номига пластик карта очишни таклиф қилади.

Банк ходими тақдим этилган ҳужжатларни текшириб, шахсий пластик карта эгаси номига халқаро тўлов картасини (у мавжуд бўлмаган тақдирда) очади. Сўнгра пластик сўм картасидан операция амалга оширилган санадаги айирбошлаш курси бўйича харид қилинадиган чет эл валютасига эквивалент суммани ҳисобдан чиқаради ҳамда жисмоний шахснинг халқаро тўлов картасига реализация қилинган чет эл валютасини ўтказиш, шунингдек унга чет эл валютасини харид қилганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон резидентлари ва норезидентларидан чет эл валютасини ваколатли банклар айирбошлаш шохобчалари (одатда, банклар ва уларнинг филиаллари, аэропортлар, темир йўл вокзаллари, меҳмонхоналар, ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқаролик бошқармалари (бўлимлари) бинолари, шунингдек божхона постларида жойлашган) орқали чекланмаган миқдорларда харид қиладилар. Мазкур операцияни айирбошлаш шохобчаси назоратчиси белгиланган шаклдаги маълумотноманинг иккита нусхасини тўлдириш йўли билан расмийлаштиради, уларга айирбошлаш шохобчаси кассири ва назоратчиси ҳамда жисмоний шахснинг ўзи имзо чекади.

Чет эл валютаси жисмоний шахслар – Ўзбекистон норезидентларига, одатда банклар ва уларнинг филиаллари, аэропортлар, темир йўл вокзаллари, меҳмонхоналар, ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқаролик бошқармалари (бўлимлари) бинолари, шунингдек божхона постларида жойлашган ваколатли банклар айирбошлаш шохобчалари орқали, айирбошлаш шохобчасининг илгари берган маъ-

УСТЮРТ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИХАСИ 2012 ЙИЛДАГИ ДУНЁНИНГ ЎНТА ГЛОБАЛ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАСИ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Нуфузли «Дилоджик» консалтинг компанияси (Буюк Британия) томонидан эълон қилинган рейтингга кўра, Сурғил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси 2012 йил якунларига кўра, дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олди.

«Дилоджик» компанияси 1983 йилдан буён тижорат банклари, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва сармоядорлар учун молиявий бозорлар, қимматли қоғозлар ҳамда инвестицион фаолият масалалари бўйича таҳлилий ва консалтинг хизматларини кўрсатиб келмоқда. Айти пайтда у энг йирик инвестицион лойиҳалар, инвестицион банлар ва консалтинг компанияларининг йиллик рейтингларини эълон қилиб боради. Яқинда «Уолл стрит джорнал» билан ҳамкорликда «Дилоджик» компанияси реал вақт режимида жаҳон минтақалари бўйича инвестицион фаолликка оид электрон бюллетенни эълон қила бошлади.

Сайёрамизнинг 2012 йилдаги глобал инвестицион лойиҳалари рейтингига дунёнинг барча минтақалари бўйлаб sanoat тармоқлари ва инфратузилмаларида амалга оширилган энг йирик инвестицион лойиҳалар киритилди.


Умуман, 2012 йилда дунёда лойиҳавий молиялаш асосида умумий қиймати 382 миллиард долларга тенг тўққиз юздан зиёд лойиҳа амалга оширила бошланган. Айти пайтда уларнинг салмоқли қисми Осиё минтақасига (28 фоиз), Австралияга (22 фоиз) тўғри келади. Европада лойиҳавий молиялаш ҳажми умумий молиялаш ҳажмининг 16 фоизини ташкил этиб, бир йилда 38 фоизга камайган, Шимолий Америкада бу кўрсаткич 13 фоизни, Жанубий Америкада 11 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларида ҳам лойиҳавий молиялаш ҳажми 29 фоизга камайиб, умумий миқдорнинг 9 фоизини ташкил этди.

Тармоқлар бўйича етакчи ўринни – 30 фоизни транспорт ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари эгаллади, нефть-газ ва нефть-кимё sanoati лойиҳалари, шунингдек, электроэнергия соҳасидаги лойиҳаларнинг ҳар бири 29 фоизни ташкил этди. Қолган қисми телекоммуникация, тоғ-кон sanoati ва sanoatнинг бошқа тармоқларидаги лойиҳалардир.

Дунёнинг энг яхши ўнта инвестицион лойиҳаси қаторидан нефть-газ, тоғ-кон sanoati, транспорт ва коммунал инфратузилмалари лойиҳалари ўрин олди. Улар Австралияда (тўртта лойиҳа), АҚШ, Франция, Буюк Британия, Сингапур, Германия ва Ўзбекистонда (биттадан лойиҳа) амалга оширилмоқда.

Глобал лойиҳаларнинг «ўнлиги»га киритилган Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси ривожланаётган мамлакатлар бозоридаги энг йирик инвестицион лойиҳа, деб эътироф этилди.

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасида йирик Сурғил газ конини ўзлаштиришни янада жадаллаштириш, табиий газни ажратиб олиш, крекинг ва якуний маҳсулот ишлаб чиқариш заводларининг барпо этилиши назарда



тутилган. Ушбу мажмуа 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш натижасида 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради. Йиллик экспорт ҳажми 750 миллион доллардан ошади. Маҳсулотнинг, асосан, Европа, Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё бозорларида сотилиши мўлжалланмоқда. Устюрт газ-кимё мажмуаси 2016 йилдан ишга туширилади.

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини «Ўз-Кор газ кемикал» қўшма корхонаси амалга оширади. Мазкур қўшма корхона «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ҳамда Жанубий Кореянинг «Когаз», «Лотте групп» ва «СТЭкс энерджи» компаниялари инвестициявий консорциуми томонидан таъсис этилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан ортиқдир. Шундан 2,54 миллиард доллари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолатисиз 16 банк, суғурта компаниялари ва молиявий институтлардан иборат халқаро кредит консорциуми томонидан лойиҳавий молиялаштирилиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг қолган қисми муассислар ҳисобидан молияланади.

Илгари хабар қилинганидек, «Томсон-Рейтер» жаҳон бизнес ахборот агентлигининг бўлинмаси – «Прожект файненс интернэшнл» журнали 2012 йил якунлари бўйича, лойиҳанинг ноёблиги ва янгилигини алоҳида қайд этиб, ўз рейтингига Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини нефть-кимё соҳасидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, собиқ иттифоқ худудидаги энг йирик нефть-кимё лойиҳаси, деб эътироф этганди.

ЎЗА.

ЯНГИ ТАҚДИМ



лумотномаси ва паспорт тақдим этилган тақдирда, чет эл валютасининг миллий валютага илгари айирбошланган суммаси доирасида сотилиши мумкин. Айирбошлаш шохобчаси ходими тақдим этилган паспортга қараб норезидентнинг шахсини аниқлагач, божхона декларациясига айирбошлаш шохобчаси штампини қўяди ва ишлатилмаган миллий валюта қайта айирбошлангани тўғрисида белги қўяди, сўнгра мазкур шахсга чет эл валютасини ва у харид қилингани тўғрисида маълумотномани беради.

800 ДАН ОРТИҚ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2013 йилдаги 12-сон қарори билан 2013 йилги тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш дастурининг 832 та лойиҳаси прогноз параметрлари тасдиқланди. Хусусан, бу йил 17 мингта «Ласетти», 22 мингта «Дамас», 69 мингта «Матиз», 63 мингта «Нексия» автомобилларини чиқариш назарда тутилган.

Шунингдек Ҳукумат амалдаги Маҳаллийлаштириш дастуридан қарийб 130 та лойиҳани чиқариб ташлади. Улар орасида «ZENITH ELECTRONIKS» МЧЖ ҚК телевизорлари, Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш жамоа корхонасининг «Samsung» бренди остидаги маиший совутгичлари, «ДОЙЧЕ КАБЕЛЬ АГ ТОШКЕНТ» ОАЖ ҚК термопанеллари ва бошқалар бор.

МИЛЛИЙ БАНК МАҚОМИНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 23.01.2013 йилдаги 15-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг мақоми ўзгарди – энди у хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ҳисобланади (илгари Ўзмиллийбанк давлат иқтисослаштирилган банки бўлиб, Ҳукумат тимсолида Ўзбекистон Республикаси мулкида бўлган ва Ўзбекистон банк тизимига кирган).

Уставга киритилган меъёрга кўра, банк унга хўжалик юритиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган мол-мулкка, шунингдек банк фаолиятини амалга ошириш давомида сотиб олинган (олинган) ва банкнинг ўз мулки бўлган бошқа мол-мулкдан

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	1.02.2013	1	0,7844	1	1,0687	1	0,0261
Арманистон	1.02.2013	1	406,57	1	555,90	1	13,58
Беларусь	4.02.2013	1	8 640,00	1	11 740,00	1	288,00
Грузия	4.02.2013	1	1,6571	1	2,2638	100	5,5243
Қозоғистон	4.02.2013	1	150,88	1	205,89	1	5,03
Қирғизистон	2.02.2013	1	47,8359	1	65,3056	1	1,5947
Латвия	4.02.2013	1	0,516000	1	0,702804	1	0,017200
Литва	4.02.2013	1	2,5341	1	3,4528	1	0,08449
Молдова	4.02.2013	1	12,0713	1	16,4659	1	0,4028
Россия	2.02.2013	1	29,9966	1	40,8674	–	–
Тожикистон	4.02.2013	1	4,7694	1	6,3234	1	0,1594
Украина	4.02.2013	100	799,3000	100	1090,5649	10	2,6646
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 5 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2089,34	1 Малайзия ринггити	646,78
1 Англия фунт стерлинги	3145,64	1 Польша злотийси	655,92
1 Дания кронаси	366,17	1 СДР	3094,91
1 БАА дирҳами	545,72	1 Туркия лираси	1145,94
1 АҚШ доллари	2004,36	1 Швейцария франки	2206,23
1 Миср фунти	298,48	1 ЕВРО	2705,04
1 Исландия кронаси	15,95	10 Жанубий Корея вони	18,44
1 Канада доллари	2009,58	10 Япония иенаси	216,08
1 Хитой юани	321,80	1 Россия рубли	66,82
		1 Украина гривнаси	250,76

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Олий Мажлис Қонунчилик палатасида
– Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси 2012 йилдаги дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олди **1-2-бетлар**

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Илк ички аудитор сертификати эгалари
– Валюталар курси **1-3-бетлар**

✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

– Қарз даъво қилинганда

– Шуъба корхонаси эътироф этамизми ёки йўқми?

4, 7-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
– ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Иқтисодийнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи;

– ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи. **5-6-бетлар**

✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

– Иш стажидида узилдишлар бўлмагани яхши
– Иш берувчи ноҳақ **8-бет**

ҲУЖЖАТЛАРНИ ЭТАМИЗ

2-бетда қонун ҳужжатларида ва Уставда белгиланган тартибда эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши ҳуқуқи берилган. Банкнинг хўжалик ва ҳакамлик судларида даъвогар сифатида чиқиш ҳуқуқи Уставдан чиқариб ташланган.

Банкка нафақат тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятида капитал билан иштирок этиш, балки хўжалик жамиятлари, унитар корхоналарда иштирокчи ёки акциядор сифатида, уларга мол-мулкнинг бир қисмини белгиланган тартибда хўжалик юриштига берган ҳолда унитар корхоналар (шуъба корхоналар) ташкил этиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда иштирок этиш ҳуқуқи берилган.

Ўзмилийбанк устав фонди миқдори аввалгича қолди. Ўзгартиришлар билан белгиланганидек, банкка тегишли бўлган мол-мулк пул маблағлари ва унга тегишли бўлган бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт ва бошқа бойликлардан иборатдир. Банкнинг мол-мулкни реализация қилиш (сотиш) ва ижарага беришдан тушган маблағлар унинг тасарруфида қолади ва банк томонидан устав фаолиятига мувофиқ мустақил фойдаланилиши мумкин.

Ўзгартиришлар билан банк бошқаруви органлари ва унинг Кенгаши ваколатлари белгиланган.

Қарор билан яна бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

КЕЛИШУВ УЧУН ДЕПАРТАМЕНТ ЖАВОБ БЕРАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 23.01.2013 йилдаги 16-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросийё гуруҳи тўғрисидаги Битимнинг (Москва, 16.06.2011 йил, 13.12.2012 йилдаги ЎРҚ-307-сон Қонун билан ратификация қилинган) амалга оширилиши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан масъул бўлган ваколатли орган этиб белгиланди.

Республика вазирликлари ва идораларига Департамент билан биргаликда Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш топширилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросийё гуруҳи (ЕАГ) фаолиятининг тегишли қисми бўйича, шунингдек Ялпи мажлисларда ва ЕАГ доирасида ўтказиладиган бошқа тадбирларда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси делегацияларини шакллантиришда уларнинг вакиллари эксперт сифатида жалб қилиниши мумкин.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросийё гуруҳи – Пулларни ҳалоллашга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чора-тадбирларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ – FATF) тусидаги минтақавий гуруҳ ҳисобланади. ЕАГга Беларусь, Ҳиндистон, Қозғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон киради. ЕАГ ФАТФнинг уюшган аъзоси саналади.

Евросийё гуруҳининг асосий мақсади минтақавий даражада самарали ҳамкорликни, шунингдек Евросийё гуруҳига аъзо давлатларнинг FATF ва Евросийё гуруҳига аъзо давлатлар иштирокчи бўлган бошқа халқаро ташкилотларнинг тавсияларига мувофиқ

жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш халқаро тизимига интеграциялашувини таъминлаш ҳисобланади.

ФУҚАРО ХОДИМЛАР СТАЖИГА УСТАМА

Вазирлар Маҳкамасининг 24.01.2013 йилдаги 17-сон қарори билан Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлари Бирлашган штаби фуқаро ходимларининг иш стажини учун фоизли устама белгиланди. У қуйидаги миқдорни ташкил этади: 2 йилдан 5 йилгача стаж бўлганда – лавозим маошининг 10 фоизи; 5 йилдан 10 йилгача стаж бўлганда – 15 фоизи; 10 йилдан 15 йилгача стаж бўлганда – 20 фоизи; 15 йилдан 20 йилгача стаж бўлганда – 25 фоизи; 20 йилдан ортиқ стаж бўлганда – 30 фоизи.

Қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Мудофаа вазирлигига ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристинимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

ИЛК ИЧКИ АУДИТОР СЕРТИФИКАТИ ЭГАЛАРИ



Ўтган йилнинг охирида Ўзбекистонда ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаштириш мақсадида имтиҳон ўтказилди. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси аудитор, солиқ маслаҳатчиси сертификатларига, САР/СІРА ёки халқаро эътироф этиладиган бошқа сертификатларга эга бўлган, ички аудитор сертификатини олишни истовчи ва ички аудиторларни тайёрлаш бўйича 80 соатлик курсларда олдиндан таҳсил олмасдан имтиҳон топширишга қарор қилган 33 мутахассисдан иборат гуруҳни шакллантирди. Имтиҳонга 31 киши кирди, 23 мутахассис уни муваффақият билан топширди ва Ўзбекистонда биринчи бўлиб ички аудитор сертификатини олишди*.

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаштириш зарурати Президентнинг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (27.09.2006 йилдаги ПҚ-475-сон) назарда тутилган бўлиб, унда активларининг баланс қиймати 1 млрд сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда ички аудитни ташкил этишга доир ягона талаблар ҳамда ички аудит хизматини ташкил этишнинг услубий асослари белгиланган.

Юқорида кўрсатилган қарорни бажариш учун Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида низом (ВМнинг 16.10.2006 йилдаги 215-сон қарорига 2-илова) ишлаб чиқилиб, унда ички аудит хизмати ходимларига қўйиладиган талаблар белгиланди. Улар охириги ўн йилнинг камида 2 йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) иш стажига эга бўлиш ва қуйидаги талаблардан биттасига жавоб бериши керак:

- ички аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш;
- Ўзбекистон олий таълим му-

ассасаларида ёхуд қонун ҳужжатларимизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш.

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби аудиторларнинг республика профессионал жамоат бирлашмалари томонидан, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади. Улар томонидан ишлаб чиқилган Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисида низом** ички аудитор хизмати сертификатини бериш, амал қилишни узайтириш, тугатиш, бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш тартибини белгилайди.

Низомга мувофиқ профессионал ташкилотлар Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ички аудиторларни тайёрлаш 80 соатлик дастурини ишлаб чиқдилар. Унда ички аудит асосларини ўрганишга 30 соат, ички аудит амалиётига – 25 соат ва ички аудитнинг айрим жиҳатларига – 25 соат ажратилади. Унинг асосида Бухгалтерлар ва

аудиторлар миллий ассоциацияси ҳамда Аудиторлар палатаси «Ички аудит» ўқув-услубий қўлланмасини тайёрладилар. Ушбу дастур бўйича ўқув курсини аудитор, солиқ маслаҳатчиси, САР/СІРА сертификати ёки халқаро эътироф этиладиган бирор-бир бошқа сертификатга эга бўлмаган талабгорлар ўтишлари керак. Ушбу ҳужжатларга эга бўлган мутахассислар махсус имтиҳон топшириб, ички хизмат аудитори сертификатини олишга ҳақлилар. Айни шуни сертификатланган мутахассисларнинг биринчи гуруҳи тасдиқлади.

Шуни айтиш лозимки, ушбу ҳолда аудиторларнинг профессионал ташкилотлари Ўзбекистонда биринчи бўлиб сертификатлаш органи сифатида майдонга чиқади, бу эса улар зиммасига ўқитишни тўғри ташкил этиш, сертификатлашни ўтказиш, ички аудиторлар ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлаш ва фаолият юритувчи ички аудиторлар реестри тўғрисида хабардор қилиш учун алоҳида жавобгарлик юклайди.

Суратда: илк сертификатларни Динара Иргашева, Валерий Корниенко, Муҳайё Файзиевалар олдилар.

Миновар ТўЛАХЎЖАЕВА, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси кенгашининг раиси.

*Ички аудитор сертификатига эга бўлган шахслар реестридан (21.12.2012 йилдаги ҳолатга кўра) Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси тўғрисида маълумотлар norma.uz сайтида мавжуд.
**Молия вазирининг АВ томонидан 12.05.2012 йилда 2361-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Реклама

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

WWW.NORMA.UZ

ОШКОР ЭТИЛМАСЛИГИ КЕРАК

Ташкилот дастурий таъминотни ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқчи. Фирма компьютерларида бошқаларнинг қўлига тушиб қолса жиддий рақобатни юзага келтирадиган объектга айланиши мумкин бўлган ноёб кодлар, алгоритмлар ва махфий тижорат ахбороти сақланади. Солиқ органлари ва бошқа давлат ҳамда нодавлат органлари томонидан текшириш мақсадида ёки бошқа сабабларга кўра компьютерлар маълумотлари ёки уларнинг қаттиқ дисклари олиб қўйилиши эҳтимолларидан ўзимизни қандай муҳофаза қила оламиз? Арзимаган ҳуқуқбузарлик текшириш учун компьютерларни олиб қўйишга асос бўла оладими? Бундай олиб қўйишлардан ҳимоя қиладиган қонун ҳужжатлари мавжудми?

– Вазиятнинг (ишнинг) аниқ ҳолатлари ва шартларига боғлиқ ҳолда юридик шахснинг мол-мулкани қўйидагича тарзда олиб қўйиш мумкин: солиқ текширувини ўтказаетган пайтда (Солиқ кодекси (СК)нинг 95-моддаси);

олиб қўйиш шаклида (Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 157-моддаси);

национализация, реквизиция ёки мусодара шаклида (суднинг ҳал қилув қарори асосида) (Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 202–204-моддалари; Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддаси; ЖПК 211-моддасининг 1-банди; «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг¹ 32-моддаси);

даъвони таъминлаш чораси сифатида (Хўжалик процессуал кодекси 77-моддаси биринчи қисмининг 1-банди; Фуқаролик процессуал кодекси 249-моддаси биринчи қисмининг 1-банди);

суднинг ундирув ана шу мол-мулкка қаратиш ҳақидаги қарорини ижро этиш мақсадида (ФКнинг 199-моддаси; СКнинг 65-моддаси; «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг² 5-боби).

Одатда мулкдор мол-мулкани олиб қўйишнинг фақат суд тартиби назарда тутилади. Вазиятдан қатъи назар, у фақат қонунда қайд этилган асослар бўйича амалга оширилиши мумкин (юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қаранг). Мазкур чорани амалга ошириш тартиби (ҳужжатларни расмийлаштириш, мулкдор вакиллари, гувоҳларнинг иштироки ва ҳоказолар) белгиланган.

Эркин фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган тижорат сирини ташкил қиладиган ахборот махфий ахборот ҳисобланади («Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун³ 11-моддасининг учинчи қисми; Махфий ахборотлар сирасига киритилган маълумотлар рўйхатининг⁴ 7-банди). ФК 64-бобининг қоидалари-

га кўра, шунингдек ФКнинг 98-моддаси ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасига биноан учинчи шахсларга маълум бўлмаган техник, ташкилий ёки тижорат ахбороти (очилмаган ахборот) қонуний равишда эга бўлган шахс, агар қўйидаги шартларга риоя этилса, уни ғайриқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилишга ҳақлидир: учинчи шахсларга номаълумлиги туфайли мазкур ахборот ҳақиқатда ёки бўлғуси тижорат қимматига эга бўлса;

ундан қонуний асосда эркин фойдаланиб бўлма-са;

ахборот эгаси унинг махфийлигини қўриқлаш чораларини кўрган бўлса.

Очилмаган ахборотни ҳимоя қилиш ҳуқуқи айрилган шартлар сақлангунга қадар амал қиладди. Уларни бажариш учун локал ҳужжатни (низом, йўриқнома ва ҳоказо) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, унда тижорат сирини ташкил этадиган ахборотлар рўйхатини белгилаш, ундан эркин фойдаланишга ҳақли ходимларнинг тоифасини аниқлаш, уни олиш, шунингдек уни рухсат берилмаган эркин фойдаланишдан ҳимоя қилиш тартибини белгилаш керак. Бундан ташқари, мазкур ахборотни ташувчилар, улар жойлашган жойлар ва бошқа объектларни бузиб очиш, ноқонуний кириб олиш, талон-торож қилиш ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш бўйича ташкилий ва техник чоралар кўрилиши лозим.

Назорат қилувчи органларнинг ходимлари хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат сирини ташкил қиладиган, ўз мажбуриятларини бажариш сабабли уларга маълум бўлиб қолган маълумотларнинг махфийлигини сақлаш учун жавобгарлар. Бунда хўжалик юритувчи субъектга давлат тузилмалари ходимлари томонидан махфий ахборот ноқонуний тарзда ошкор этилиши билан етказилган зарарлар суммаси, шу жумладан уларни учинчи шахсларга етказиш ёки унинг сақланишини таъминламаслик, суднинг қарорига кўра давлат органлари ёки айбдор мансабдор шахслардан ундирилиши керак («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 38-моддасининг иккинчи қисми).

Артём МОКШИН,
«Норма» эксперт юридик хизматининг раҳбари.



¹25.05.2000 йилдаги 69-И-сон (2.05.2012 йилдаги ЎРҚ-328-сон Қонун билан тасдиқланган тахрирда).

²29.08.2001 йилдаги 258-И-сон.

³11.12.2003 йилдаги 560-И-сон.

⁴ВМнинг 7.11.2011 йилдаги 296-сон қарори билан тасдиқланган.

Реклама



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Харид қилиш масалалари бўйича қўйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч. 1/1, 6-қават.

Тел. (998 71) 283-23-74. E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

ҚАРЗ ДАЪВО ҚИЛИНГАНДА



Харидор бизнинг МЧЖга олди-сотди шартномаси бўйича 2 000 000 сўм қарздор. Ушбу қарз 2012 йил ноябрида юзага келиб, яқинда 90 кун бўлади ва шундан сўнг у муддати кечиктирилган қарз ҳисобланади. Харидор тўлов кечикишини вақтинчалик молиявий қийинчиликлар билан изоҳлаяпти. Қандай қилиб биз энг кам чиқим билан қарзни суд орқали ундириб олишимиз мумкин?

7-бетда

Адвокат нуқтаи назари

ШУЪБА КОРХОНАНИ ЭЪТИРОФ ЭТАМИЗМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?

Тадбиркорлик бизнес ғоясидан бошланиб, уни амалга оширишга куч ва маблағлар сарфланади. Шу пайтда тадбиркор ҳам, худди инвестор каби, бизнесни қандай ташкил этиш, унинг учун қандай тузилмани танлаш кераклиги масаласи устида бош қотиради. Юридик шахснинг ривожланиши кўп жиҳатдан ташкилий-ҳуқуқий шакли (бундан кейин – ТХШ) тўғри танлашига боғлиқдир. Бошқарув, қарорлар қабул қилиш, олинган фойдани тасарруф этиш тартиби, айрим битимларни амалга ошириш имконияти у билан боғланган. Бундан ташқари, фаолиятнинг айрим ўзига хос турлари ТХШни танлашни белгилаб беради. Чунончи, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш фермер ёки деҳқон хўжалигини ташкил этишни назарда тутати. Тижорат банклари эса акциядорлик жамияти шаклида барпо этилади. Айрим фаолият турлари билан фақат юридик шахслар шуғулланишлари мумкин.

Республикамизда фермер хўжалиги, масъулияти чекланган жамият, хусусий корхона, акциядорлик жамияти (очиқ ёки ёпиқ), шуъба корхона, давлат унитар корхона сингари ТХШлар кенг тарқалган. Уларнинг ҳаммаси алоҳида қонун ёки ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинган (бундан шуъба корхона мустасно).

Шуъба корхона ҳуқуқий тартибга солиш етарли эмаслиги туфайли кўпинча бундай ТХШнинг қонунийлиги ва зарурлиги масалалари юзага келади. Ҳолбуки шуъба корхона шаклидан нафақат МДХ мамлакатларида, балки бошқа давлатларда ҳам фойдаланишади. Чунончи, Фарбий Европада аниқ лойиҳалар-

ни бажариш учун «subsidiary venture» ташкил этади.

Мамлакатимизнинг қонун ҳужжатларида ҳам шуъба корхона сингари ташкилий-ҳуқуқий шакл назарда тутилган. У:

- «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг (25.04.1996 йил, 216-И-сон) 1-бандида;

- «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг (30.04.1998 йил, 609-И-сон) 7-моддасида;

- «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (25.05.2000 йил, 69-И-сон, 2.05.2012 йилдаги ЎРҚ-328-сон Қонун

7-бетда

¹Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳлар. Юридик фанлар доктори Х.Р.Раҳмонқулов, ҳуқуқ доктори Ш.М.Асьянов тахририда. Тошкент, 2010 йил. «ART FLEX» нашриёти. 189-саҳифа.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи;
- ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН ХОДИМЛАР СОНИ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ФОНДИНИНГ ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2013 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди. Рўйхат рақами 2173-2.
(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил, 5-сон, 58-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 513-модда, 2011 й., 17-сон, 169-модда) 8-бандига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 3 декабрдаги 193-Қ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси

қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 527-модда) билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир А.ХАИТОВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 28 декабрь
76-Б-сон.

ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг
2012 йил 28 декабрдаги 76-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

ИҚТИСОДИЁТНИНГ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН ХОДИМЛАР СОНИ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ФОНДИНИНГ ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 6-бандидаги «(камайтириш коэффициенти 0,8 дан кам бўлмаслиги керак)» деган сўзлар «(камайтириш коэффициенти 0,8 дан, қишлоқ ҳудудларида 0,6 дан кам бўлмаслиги керак)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1, 2, 5 ва 6-иловалар мазкур ўзгартириш-

ларнинг 1—4-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.

Иқтисодиёт вазири
Г.САИДОВА.

Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси
Б.ЗАКИРОВ.

Савдо-саноат палатаси раиси
А.ШАЙХОВ.

Тошкент ш., 2012 йил 28 декабрь.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**ОЛТИ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИНИ ҲАР КУНГИ ИШ МУДДАТИ 12 СОАТНИ
(ҲАФТАСИГА ЖАМИ 72 СОАТНИ) ТАШКИЛ ЭТГАН ЧАКАНА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИДА
АСОСИЙ ХОДИМЛАР СОНИНИНГ ЭНГ КАМ
МЕЪЁРЛАРИ**

Савдо майдони, кв.м	Ходимлар сонининг энг кам меъёри, киши	
	шаҳарларда	бошқа аҳоли пунктларида
25 гача	2	1
26 — 50	3	1
51 — 75	4	2
76 — 100	5	3
101 — 125	6	4
126 — 150	7	
151 — 175	8	5
176 — 200	9	
200 кв.м дан ошган ҳар 50 кв.м га	1	1

Изоҳ:

1. Йирик ўлчамли товарларни сотувчи ва ушбу товарларни намуна сифатида кўргазмага қўювчи (мебель ва автомобилотранспорт воситаларини сотиш дўконлари, йирик ўлчамли маиший ва бошқа техникаларни намоиш қилиш учун кўргазма майдонлари, савдо заллари, қурилиш моллари дўконлари) савдо зали майдони 200 квадрат метрдан ортиқ бўлган чакана савдо ташкилотлари учун савдо зали майдони 176 дан 200 квадрат метргача бўлган чакана савдо ташкилотларига белгиланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри қўлланилади.

2. Автоёқилғи қуйиш шохобчаларида ёқилғи қуйиш колонкаларига хизмат кўрсатувчи асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри ёқилғи қуйиш колонкасининг техник тавсифномасида белгиланган меъёрлардан келиб чиқиб аниқланади. Бундай меъёрлар мавжуд бўлмаган тақдирда, асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри ёқилғи қуйиш колонкалари сонидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича аниқланади:

Тошкент шаҳрида — битта ёқилғи қуйиш колонкаси учун 1 та ходим;

бошқа аҳоли пунктларида — иккита ёқилғи қуйиш колонкаси учун 1 та ходим.

Автоёқилғи қуйиш шохобчалари қошидаги қўшимча (йўлдош) товарлар билан чакана савдо қилувчи дўконлар (павильонлар, салонлар) асосий ходимлари сонининг энг кам меъёри мазкур Низомнинг 5 ва 6-бандларида белгиланган тартибда аниқланади.

3. Чакана савдо ташкилотлари учун белгиланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан махсус ажратилган жойларда кўчма (сайёр) савдони амалга ошириш учун вақтинча ташкил этилган чакана савдо шохобчаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**ЕТТИ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИНИ ҲАР КУНГИ ИШ МУДДАТИ 12 СОАТНИ
(ҲАФТАСИГА ЖАМИ 84 СОАТНИ) ТАШКИЛ ЭТГАН УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА
АСОСИЙ ХОДИМЛАР СОНИНИНГ ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРИ**

Умумий овқатланиш ташкилотларининг шакли (тури)	1 столга (4 ўринга мўлжалланган стандарт стол) хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хизмат кўрсатувчи ходимлар (официантларни ўз ичига олган ҳолда) сони			Бармен (бар мавжуд бўлганда)	Ошпаз	Тарқатишда хизмат қиладиган ходимлар	Ошхона ишчиси
	Тошкент шаҳри	Бошқа шаҳар	Бошқа аҳоли пункти				
Ресторан	0,35	0,25	0,2	1	3	—	2
Кафе	0,25	0,2	0,1	1	2	—	1
Кафе (ўзига ўзи хизмат кўрсатиш йўналиши мавжуд бўлган)	0,2	0,15	0,1	1	2	1	1
Чойхона	—	—	—	—	2	1	1
Ошхона	—	—	—	—	2	1	1
Кафетерий, кичик ошхона, буфет	—	—	—	—	1	1	1
Бошқа турдаги ташкилотлар (ошхона мавжуд бўлмаганда)	0,2	0,15	0,1	1	—	—	—

Изоҳ:

1. Агар ташкилотдаги ошхоналар мустақил юридик шахс мақомига эга бўлганда ушбу меъёрлар қўлланилади.
2. Банкет залларига эга хизмат кўрсатувчи столлар сони 50 тадан ортиқ бўлган кафе ва ресторанлар учун 50 та столга хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш ташкилотлари учун белгиланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри қўлланилади.
3. Умумий овқатланиш ташкилотлари учун белгиланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан махсус ажратилган жойларда кўчма (сайёр) савдони амалга ошириш учун вақтинча ташкил этилган объектларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
3-ИЛОВА

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

ЧАКАНА САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШНИНГ ЎРТАЧА РАЗРЯДИ

Ташкилот номи	Ягона тариф сеткаси бўйича ишнинг ўртача разряди
Чакана савдо ташкилоти учун	2
Умумий овқатланиш ташкилотлари учун:	
Ресторан	4
Кафе	3
Чойхона	2
Ошхона	2
Бошқа турдаги ташкилотлар (ошхона мавжуд бўлмаганда)	2
Кафетерий, кичик ошхона, буфет	2

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
4-ИЛОВА

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

ЧАКАНА САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ФОНДИНИНГ ЭНГ КАМ МЕЪЁРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ШАРТЛИ НАМУНАЛАРИ

1-мисол.

Минимаркет бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

савдо залининг майдони — 126 кв.м;

иш вақтининг режими — ҳафтасига 84 соат;

Савдо зали майдони 126 кв.м бўлган минимаркетда асосий ходимларнинг энг кам сони меъёри 7 та ходимдан иборат (Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига мувофиқ).

Минимаркетда иш вақти режими ҳафтасига 72 соатдан (ҳафтасига 84 соат) ортиб кетганини ҳисобга олиб, белгиланган энг кам меъёрлардаги асосий ходимлар сонидан келиб чиқиб асосий ходимларга кўпайтириш (ошириш) коэффиценти қўлланилади $= 84/72 = 1,17$.

Шундай қилиб, минимаркетда асосий ходимларнинг энг кам сони меъёри $= 7 \times 1,17 = 8$ та ходимни ташкил қилади.

Минимаркетда ишларнинг ўртача разряди ягона тариф сеткаси бўйича 2-разрядни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича ҳисоб учун олинган 2-разрядли ишнинг тариф коэффиценти 2,725 ни ташкил қилади.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (ИХЭКМ) = 79 590 сўм.

Белгиланган формулага мувофиқ (МХТФ_{мин} = ХС × Т_{иш} × ИХЭКМ) минимаркетда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри $= 8 \times 2,725 \times 79590 = 1\,735\,062$ сўмни ташкил қилади.

2-мисол.

Кафеда қуйидаги маълумотлар мавжуд:

хизмат кўрсатадиган столнинг сони — 15 та;

иш вақтининг режими — ҳафтасига 84 соат.

Хизмат кўрсатадиган 15 та столи бор кафеда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри қуйидагилардан иборат (Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасига мувофиқ):

1 столга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган официантлар сони	Ошпаз	Тарқатишда хизмат қиладиган ходимлар	Ошхона ишчиси
0,25	2	—	1

Кафеда иш вақти режими ҳафтасига 84 соатдан ортиб кетмаганлигини ҳисобга олиб, белгиланган энг кам миқдордаги асосий ходимлар сони меъёрига кўпайтириш (ошириш) коэффиценти қўлланилмайди.

Шундай қилиб, кафеда асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри $= 0,25 \times 15 + 2 + 1 = 7$ та ходимни ташкил қилади.

Кафеда ишларнинг ўртача разряди ягона тариф сеткаси бўйича 3 разрядни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича ҳисоб учун олинган 3 разрядли ишнинг тариф коэффициенти 2,998 ни ташкил қилади.

Белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори (ИХЭКМ) = 79 590 сўм.

Белгиланган формулага мувофиқ ($M_{\text{ХТФ}} = XС \times T \times ИХЭКМ$) кафедра меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри = $7 \times 2,998 \times 79 590 = 1 670 276$ сўмни ташкил қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА БОШҚА ТАШКИЛОТГА ИШГА КИРИШ УЧУН АСОСИЙ ИШ
ЖОЙИДАН БЕРИЛАДИГАН МАЪЛУМОТНОМА ҲАМДА ЎРИНДОШЛИК АСОСИДАГИ ИШ
ЖОЙИДАН БЕРИЛАДИГАН МАЪЛУМОТНОМА ШАКЛЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил

29 январда рўйхатдан ўтказилди. Рўйхат рақами 2417.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил, 5-сон, 61-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ладиган маълумотнома шакллари иловага мувофиқ тас-
2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори (Ўзбекистон диклансин.

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41- 2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан
42-сон, 485-модда) билан тасдиқланган Ўриндошлик эътиборан кучга киради.

асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ буюраман:

**Вазир
А.ХАИТОВ.**

1. Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга ки- Тошкент ш.,
риш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумот- 2012 йил 29 декабрь
нома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бери- 77-Б-сон.

ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг
2012 йил 29 декабрдаги 77-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш
учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома шакли**

(ташкилотнинг фирма бланкаси)

**ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА БОШҚА ТАШКИЛОТГА ИШГА КИРИШ УЧУН
АСОСИЙ ИШ ЖОЙИДАН БЕРИЛАДИГАН МАЪЛУМОТНОМА**

Фуқаро _____

(Ф.И.О.)

(паспорти тўғрисида маълумотлар)

да

(ташкилот номи)

лавозимида

дан бугунги кунга қадар меҳнат фаолиятини олиб бораётгани маълум қилинади.
Ушбу маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 485-модда) билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга киришда тақдим этиш учун берилди.

ТАШКИЛОТ РАҲБАРИ _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шакли

(ташкилотнинг фирма бланкаси)

**ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА БОШҚА ТАШКИЛОТГА ИШГА КИРИШ УЧУН
АСОСИЙ ИШ ЖОЙИДАН БЕРИЛАДИГАН МАЪЛУМОТНОМА**

Фуқаро _____

(Ф.И.О.)

(паспорти тўғрисида маълумотлар)

да

(ташкилот номи)

лавозимида

дан _____ гача ўриндошлик асосида меҳнат фаолиятини олиб
боргани маълум қилинади.

Ушбу маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 485-модда) билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ходимнинг асосий иш жойида сақланаётган меҳнат дафтарчасига иш даври кўрсатилган ҳолда ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги ёзув киритиш учун берилди.

ТАШКИЛОТ РАҲБАРИ _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Мазкур шакллар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси
Т.НАРБАЕВА.**

2012 йил 29 декабрь.

ҚАРЗ ДАЪВО ҚИЛИНГАНДА

4-бетда

– Амалиётда қарздор қарзини тан оладиган, бироқ уни уза олмайдиган ҳоллар кўп учраб туради. Мазкур вазиятда олди-сотди шартномаси мазмунига эътиборни қаратиш лозим. Агар унда низони ҳал қилишнинг мажбурий судгача (талабнома киритиш) тартиби назарда тутилган бўлса, сиз тегишли талабнома тайёрлашингиз ва уни қарздорга юборишингиз керак («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун¹ 17-моддаси, бундан кейин – Қонун). Қарздор талабнома олинган кундан бошлаб бир ой ичида уни кўриб чиқиши ва унга жавоб бериши керак. Даъво тўлиқ ёки қисман эътироф этилганда қарздор арзчига эътироф этилган суммани ихтиёрий равишда ўтказлади.

Рад (қисман рад) жавоби олинган тақдирда ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олинмаган тақдирда, шунингдек хўжалик шартномалари юзасидан талабнома билдирмай ҳам хўжа-

лик судига даъво аризаси берилиши ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этилиши мумкин (Қонуннинг 19-моддаси).

Сизнинг вазиятингизда жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судига суд буйруғини бериш тўғрисида ариза билан муқоабат қилиш ҳам, вақт бўйича ҳам суд чиқимлари бўйича камроқ харажатга олиб келади. Уни тайёрлаш ва беришда Хўжалик процессуал кодексининг (бундан кейин – ХПК) 14-боби талабларига амал қилиш керак.

Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги ёхуд қарздордан низосиз талаблар бўйича мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья чиқарган ҳужжатдир. У қуйидаги афзалликларга эга:

1) аризани кўриб чиқиш суд муҳокамаси, қарздор ва ундирувчини чақириш ҳамда уларнинг тушунтириш-

ларини тинглашсиз амалга оширилади;

2) аризани кўриб чиқишда давлат божи умумий тартибда даъво билан судга муқоабат қилиш чоғида низолаштирилган суммадан келиб чиқиб ҳисобланган ставканинг 50%ини (даъво суммасининг 2%ини) ташкил қилади. Суд буйруғини бериш учун эсаннинг миқдори 1%дан ошмайди;

3) суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эгадир.

Ариза қарздор жойлашган жойдаги хўжалик судига ёзма шаклда берилади. У кредитор ёки унинг ишончномага асосан ҳаракат қиладиган вакили томонидан имзоланади. Аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ариза бериладиган хўжалик судининг номи;

2) кредиторнинг, қарздорнинг номи ва уларнинг манзиллари;

3) кредиторнинг қонун ҳужжатларига асосланган талаби;

4) талабга асос бўлган ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар (ундирувчи ва қарздор имзолаган, ўзaro ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси улардан биридир);

5) ундириладиган сумманинг ҳисобкитоби;

б) илова қилинган ҳужжатлар рўйхати.

Қуйидаги масалага эътибор бериш жуда муҳим. ХПКнинг 105-моддасига кўра кредитор **суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириши шарт.** Уни топширганлик далили бўлиб қарздор раҳбарининг кредиторда қоладиган ариза иккинчи нусхасидаги муҳр билан имзоланган имзоси ҳисобланади. Шуни эътиборга олингки, аризанинг нусхаси алоқа воситалари орқали юборилган тақдирда судья ХПК 107-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан **суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади**².

Қарздор унга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайтдан бошлаб 10 кунлик муддатда хўжалик судига кредитор талабларига қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳазасини тақдим этишга ҳақли. Белгиланган муддатда қарздор томонидан фикр-мулоҳаза берилмаслиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади. Унга биноан ундирув буйруқ берилгандан кейин 10 кун ўтгач суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Павел СИЛЬНОВ, адвокат.

¹29.08.1998 йилдаги 670-1-сон.

²ОХС Пленумининг «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида» қарори (15.06.2007 йилдаги 162-сон) 21-бандининг бешинчи хатбошиси.

ШУЪБА КОРХОНАНИ ЭЪТИРОФ ЭТАМИЗМИ ЁКИ ЙЎҚМИ?

4-бетда

тахририда) 5-моддасининг иккинчи қисмида;

• Солиқ кодексининг 350-моддасида;

• Президентнинг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида» Фармонида (30.11.1996 йил, ПФ-1652-сон) айтиб ўтилган.

Кўриб турибмизки, шуъба корхона ТХШ қонуний мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга. Бироқ бирор-та қонун ҳужжатида ШКга, унинг тасвир ҳужжатларига, устав фонди миқдорига, бошқарув тартибига, дивидендларни тақсимлашга доир талаблар ҳамда бошқа муҳим масалалар тартибга солинмаган. Бу эса шуъба корхонанинг бошқа ТХШлардан фарқини аниқлашни мушкуллаштиради.

Ҳуқуқ соҳасидаги айрим мутахассислар шуъба корхона Фуқаролик кодексига назарда тутилмаганлиги сабабли у алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакл ҳисобланмайди, деб ўқтирадилар. Ҳолбуки ФКнинг 67-моддасида «Шуъба хўжалик жамияти» (ШХЖ) ТХШ назарда тутилган: «Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти **шуъба** хўжалик жамияти ҳисобланади». Ушбу модданинг мазмунига кўра шуъба

хўжалик жамияти аввало устав фонди унинг муассислари ўртасида тақсимланган жамиятдир (яъни бир нечта юридик шахснинг қўшма бирлашмаси).

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳлар муаллифлари таъкидлашчи, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра **шуъба жамиятнинг фақат 3 тури мавжуд** (акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият ва қўшимча масъулиятли жамият) ва фақат уларни шуъба хўжалик жамиятлари деб эътироф этиш мумкин ёки агар тижорат ташкилоти бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлса (масалан, ширкат), у ҳолда юридик шахс уни кейинчалик шуъба хўжалик жамияти деб эътироф этиш учун бирор-бир жамият турига айлантириши шарт.

Бундай ҳулоса бир қатор саволлар туғдиради. Жамиятни ким шуъба хўжалик жамияти деб эътироф этади? Жамиятнинг ўзими ёки давлат органи (рўйхатдан ўтказувчи ёки назорат қилувчи)? Жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ШХЖга ўзгартириш талаб қилинадими? Ва энг асосийси – шуъба хўжалик жамияти ташкилий-ҳуқуқий шакл ҳисобланадими?

Ўзбекистон қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиб айтиш мумкинки, ШХЖ ташкилий-ҳуқуқий шакл эмас, балки юридик шахснинг мақомидир. Ўз тузилмасини шуъба хўжалик жамияти деб эътироф этишни жамиятнинг ўзи ўз юқори бошқарув органининг қарори билан амалга ошириши керак. Энг асосийси эса – ШХЖнинг мавжудлиги жамиятнинг ўз ташкилий-ҳуқуқий шак-

лига таъсир кўрсатмаслиги керак. Айтиш мумкин ШХЖни мустақил ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида қарамаслик лозим.

Айни вақтда ШХЖни шуъба корхона билан аралаштириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки шуъба корхонани юридик шахснинг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли деб эътироф этиш учун асослар бор.

Биринчидан, қонун ҳужжатларида шуъба корхонани мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида назарда тутадиган меъёрлар мавжуд.

Иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида шуъба корхона каби ташкилий-ҳуқуқий шакл кенг қўлланади. Республикада ҳозирдаёқ юзлаб ана шундай корхона ўз фаолиятини амалга оширяпти.


Учинчидан, шуъба корхона уни бошқа ТХШ турларидан фарқлайдиган ўз хусусиятларига эга.

Тўртинчидан, шуъба корхона кўринишидаги ТХШ МДХ ва олис хориж мамлакатларида кенг тарқалган.

Шуъба корхонанинг ҳуқуқий табиати, унинг хусусиятлари ва фарқловчи белгиларини кўриб чиқамиз.

Мулкӣ асос – шуъба корхона хусусий мулк субъектидир. Муассис унга мол-мулкни эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишни назарда тутувчи хўжалик юритиш ҳуқуқида беради. Айни шу билан ШК давлат унитар корхонасидан фарқ қилади.

Турлар бўйича ШК фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш бўлган тижоратчи юридик шахсларга киради.



Муассислар таркиби

– ШКнинг муассислари мулкчилик шаклидан қатъи назар, фақат юридик шахслар бўлиши мумкин. Бунда уни маҳаллий ҳамда чет эллик юридик шахслар туза оладилар.

Бундай чеклов бир нечта омил билан боғлиқ. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида шуъба корхонани фақат юридик шахслар тузганлар. Номи ҳам шундан олинган – у мавжуд корхонанинг корхонаси ҳисобланади. Жисмоний шахслар таъсис этган юридик шахс асосан хусусий корхона ёки масъулияти чекланган жамият шаклида тузилади.

Шуъба корхона муассисларининг сони ҳам жуда муҳим. Амалиётда кўпчилик шуъба корхоналар бир муассис – мол-мулк эгаси томонидан тузилган. Ушбу далилни асосий дастур деб қабул қилиб, шуъба корхона якка муассисли ТХШга киради деб қайд қилиш мумкин.

Амалиётда шуъба корхонанинг таъсис ҳужжати бўлиб якка муассис тасдиқлайдиган унинг устави ҳисобланади, унда ушбу ҳужжат учун қонун ҳужжатларида

назарда тутилган барча маълумотлар акс эттирилиши керак.

Таҳлилимизга яқун ясаб шуни таъкидлаш мумкинки, қонун ҳужжатларида шуъба корхонани тадбиркорлик субъекти сифатида ташкил этишни назарда тутадиган меъёрлар мавжуд, ҳуқуқни қўллаш амалиёти эса уни тузиш ва бошқаришнинг энг муҳим масалаларини ишлаб чиққан. Шундай бўлса-да, шуъба корхонанинг ҳуқуқий аҳволи, уни тузиш ва фаолиятининг хусусиятлари, муассиснинг, ижро этувчи органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, даромадларни тақсимлаш, йирик битимлар ҳамда манфаатдорлик бўлган битимларни тузиш сингари масалаларни белгилайдиган қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур деб ҳисоблайман. Зеро, шуъба корхона тадбиркорлик субъекти сифатида амалиётда ўзининг зарурлиги ва долзарблигини исботлаган ташкилий-ҳуқуқий шаклдир.

Азизбек ҚУРБОНОВ,
«Business Legal Advisers»
адвокатлик фирмасининг
директори.

ИШ СТАЖИДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАГАНИ ЯХШИ

1961 йилда туғилган онамнинг иш стажи 29 йилу 3 ойни ташкил қилади. Шундан 3 йилида онам болани парвариш қилиш таътилида бўлган. Ҳозир оилавий ҳолатларга кўра 3-4 ойга иш ҳақи сақланмайдиган таътил олмоқчи. Бироқ ишхонада онамга бу нарса унинг пенсиясига салбий таъсир қилади деб айтишди. Агар иш ҳақи сақланмайдиган таътил олинса, пенсияга чиқаётганда қандай оқибатлар юзага келади?

Е.Чечурина.

– Онангиз ҳозир шундай ёшдаки, у ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи бошлангунга қадар охириги 10 йилдаги меҳнат фаолияти даврларининг қайси бири пенсияни ҳисоблаш учун мақбул бўлиши тўғрисида ўйлаши зарур. **Пенсияга чиқиш олдида фойдаланилган, иш ҳақи сақланмаган ҳолда узоқ муддатли таътил ҳақиқатан ҳам пенсия миқдорини камайтириши мумкин.**

Биринчидан, пенсия тайинлаш учун талаб қилина-

¹Низомлар ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган.

дигандан ортиқ иш стажининг (аёллар учун бу – 20 йил) ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг базавий миқдорлари ёшга доир пенсияларда – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизига оширилади. Иш ҳақи сақланмайдиган таътил вақти стажда ҳисобга олинмайди, чунки ушбу даврда иш ҳақи ҳисоблаб ёзилмаган ва Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланмаган (*Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом¹ 35-бандининг «а» кичик банди, 108-моддасининг «а» кичик банди, бундан кейин – 1-сон Низом*). Ушбу ҳолда тайинланган пенсия 1%га кам бўлади.

Иккинчидан, шуни ҳисобга олиш лозимки, 2011 йил 1 октябрдан бошлаб пенсияни ҳисоблаш учун иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффиценти қўлланади, у ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар (пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг танлашига кўра), меҳнат фаолиятининг охириги 10 йили мобайнидаги исталган кетма-кет олтимиш ойдан ҳар бир ойи учун аниқланади. Бунда шахснинг пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақи тегишли ойдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига бўлинади (*Пенсияни ҳисоблаш учун қабул*



қилинадиган иш ҳақини иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффицентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида низомнинг¹ 3-бандлари, бундан кейин – 2-сон Низом). Шу сабабли, агар иш ҳақи сақланмайдиган узоқ муддатли таътил ушбу даврга киритилса, 2-сон Низомда келтирилган формула бўйича ҳисоблаб чиқарилган унга доир ўртача иш ҳақи камроқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақини камайтиради (*1-сон Низомнинг 101-банди*).

ИШ БЕРУВЧИ НОҲАҚ

Мен хусусий фирмада ишлайман. Иш ҳақи оламан, солиқларни тўлайман. Ҳозирда мен ҳомиладорлик ва туғиш таътили олишим керак. Бироқ ташкилотда менга касаллик варақасига ҳақ тўлашдан бош тортишди. Ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишни тавсия этишди, бироқ у ерда ҳам пул тўлашдан бош тортишди. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

М.Раҳмонова.

– Сизга хусусий хўжалик юритувчи субъект ходимаси сифатида **ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида иш берувчи ўз маблағлари ҳисобидан тўлаши шарт**, сўнгра у ушбу харажатларни фойда солиғини ҳисоблаб чиқараётганда солиқ солиш базасидан чиқаради (*Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг¹ 1-банди саккизинчи хатбошиси, 40-48-бандлари, бундан кейин – 1136-сон Низом*).

Шуни қайд этмоқчимизки, ишлаётган оналарга иш берувчилар ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш белгиланган тартибнинг амал қилиши **2014 йил 1 январга қадар узайтирилган** (*Президентнинг 25.12.2012 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1887-сон қарори 22-банди*). Нафақа тўлашдан бош тортиш меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

¹Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 8.05.2005 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

²МАИМКВнинг АВ томонидан 14.03.2002 йилда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

ҳисобланиб, бунинг учун ташкилотнинг мансабдор шахслари **ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача** жарима тарзида маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкин (*Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-3-моддаси*).

Бола туғиб, сиз ҳам **Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган бола туғилиши бўйича нафақага** (*1136-сон Низомнинг 79-84, 105-бандлари*) ва **бола икки ёшга тўлгунча уни парвариш қилиш бўйича иш берувчи маблағлари ҳисобига тўланадиган ойлик нафақага** (*Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг² 47-банди*), ҳақлисиз. Нафақалар олиш учун асосий иш жойи бўйича корхонанинг ижтимо-



ий суғурта бўйича комиссиясига ёки раҳбар буйруғи билан тасдиқланган маъмуриятнинг бунинг учун ваколат олган вакилига мурожаат қилиб, иш берувчига тегишли аризалар ва тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиш лозим.

Маъмуриятнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан, агар корхонада тузилган бўлса, меҳнат низолари комиссиясига, фирмангиз жойлашган ердаги ҳокимликнинг туман аҳоли бандлиги бўлими, прокуратура ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юригимиз.

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.

ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиши

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

Эълонлар

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. (+998 90) 346-16-89.

ADVOKAT ELTE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, (+998 90) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Сизга матбуотда реклама ва torg.uz да бонуслар керакми? Нақд пул. Пул ўтказиш. Терминал. Тел.: 232-16-95, 909-35-36.

Юкларни божхонадан ўтказиш, БЮДни расмийлаштириш. Тел.: 809-26-11, 233-33-26.

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 996-77-87.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас. «Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1). Индекс – 186 Буюртма 767 Адади 2 200. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2013 йил 4 февралда соат 11.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223